

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ҚўМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

644 Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 30 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2644

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 21 ноябрдаги ПФ-4672-сон «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон «Илмий ходимлар меҳнатини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қиладилар:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритилиб, иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари 2014 йил 15 декабрдан илмий ва раҳбар ходимларнинг базавий лавозим маошлари миқдорлари ўзгар-

ганлигини ҳисобга олиб иш ҳақларини қайта ҳисоблаб тўланишини таъмин-ласинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2014 йил 10 сентябрдаги 6, 22-қ/қ ва 61-сон «Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим машоғлари миқдорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2616, 2014 йил 15 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами, 2014 й., 38-сон, 486-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан
ва технологияларни ривожлантиришни
мувофиқлаштириш қўмитаси раиси**

Ш. САЛИХОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 25 декабрь,
13-сон

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири**

А. АБДУҲАКИМОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 25 декабрь,
32-қ/қ-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 25 декабрь,
85-сон

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Фан ва технологияларни ривожлантиришни
мувофиқлаштириш қўмитаси, Меҳнат ва
аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирли-
ги ва Молия вазирлигининг 2014 йил
25 декабрдаги 13, 32-қ/қ, 85-сон қарорига
ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари МИҚДОРЛАРИ

T/p	Лавозимларнинг номи	Базавий лавозим маошларининг миқдори, сўм
1.	Институт директори	
	профессор	1830235
	фан доктори	1755878
	фан номзоди	1681928
2.	Директорнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари, инсти- тут ва бошқа илмий муассасалар филиалининг дирек- тори	
	профессор	1681928
	фан доктори	1622171
	фан номзоди	1549598
3.	Институтнинг илмий котиби, Илмий-тадқиқот лабора- торияси (бўлими) мудири	
	фан доктори ёки профессор	1622171
	катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган фан номзоди	1549598
	илмий унвонга эга бўлмаган фан номзоди	1490245
4.	Филиал ва бошқа илмий муассасалар директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари	
	фан доктори ёки профессор	1549598
	катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган фан номзоди	1490245
	илмий унвонга эга бўлмаган фан номзоди	1430558
5.	Бош илмий ходим	
	профессор илмий унвонига эга бўлган фан доктори	1549598
	катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган фан доктори	1490245

52 (I)-сон

— 33 —

644-645-моддалар

Т/р	Лавозимларнинг номи	Базавий лавозим маошларининг миқдори, сўм
	илмий унвонга эга бўлмаган фан доктори	1430558
6.	Етакчи илмий ходим	
	илмий унвонга эга бўлган фан доктори	1490245
	илмий унвонга эга бўлмаган фан доктори	1430558
	илмий унвонга эга бўлган фан номзоди	1359956
7.	Катта илмий ходим	
	илмий унвонга эга бўлган фан номзоди	1359956
	илмий унвонга эга бўлмаган фан номзоди	1290160
	илмий даражага эга бўлмаган	1221917
8.	Кичик илмий ходим	
	фан номзоди	1290160
	илмий даражага эга бўлмаган (2 йилдан ортиқ илмий фаолият тажрибасига эга бўлган)	1221917
	илмий даражага эга бўлмаган (2 йилгача илмий фаолият тажрибасига эга бўлган)	1154242
9.	Тажриба орттирувчи тадқиқотчи	1018400